

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Режа

- 1.Ўзбекистонда кўппартияйилик тизимининг
шаклланиши ва ривожланиши.**
- 2.Узбекистонда фуқаролик жамияти инститлари
шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари.**
- 3.Ўзбекистонда ННТнинг фуқаролик жамияти
институти сифатида ривожланиши.**
- 4. “Ҳаракатлар стратегияси” - фуқаролик жамияти сари
йул.**

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири, жамиятда фуқаровий институтларниң фаол жамият хаётида иштирок этиши булиб, ушбу жараён ижтимоий - сиёсий институтларда ва жараёнларда турли хил фикрларниң эркин ифода қилинишига ҳуқуқий асослар яратиб бериш, шунингдек, ҳуқуқий давлат фуқаролари - плюралистик фикрлашга қобил бўлган шахсларни шаклантиришига ёрдам беради.

Президент Ш. Мирзиёев тмонидан 2018 й 4 май куни «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

(Мазкур фармонга кўра Ўзбекистонда фуқаролик жамияти, унинг ҳуқуқий ва институционал асосларини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар белгилаб қўйилган).



Президент Ш. Мирзиёев:
«Ҳар қандай сиёсий
партия замон билан
ҳамнафас бўлиб, унинг
ўткир талабларига жавоб
берган тақдирдагина
сиёсий куч сифатида яшай
олади».



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуидаги моддаларида сиёсий партияларнинг хукуқий мақоми белгиланган:

- 1. 60 модда: “Сиёсий партиялар турли табақа ва гурухларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат хокимиятини тузишда иштирок этадилар**
- 2. 56 модда: Сиёсий партиялар жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.**
- 3. 58-модда: “Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йул қўйилмайди”.**
- 4. 34-модда: “Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий харакагларда, шунингдек хокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг хукуклари, эркинликлари ва кадр- кимматини хеч ким камситиши мумкин эмас”.**

Мамлакатда 5 та сиёсий партия:

- 1. Ўзбекистон Халқ-демократик партияси**
- 2. «Миллий тикланиш» демократик партияси**
- 3. «Адолат» социал-демократик партияси**
- 4. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси**
- 5. Ўзбекистон Экологик партияси фаолият юритмоқда.**

Ақлий ҳужум саволлари

- 1. Ўзбекистонда нечта партия фаолият юритади?**
- 2. Миллий тикланиш партия дастури билан Адолат партиясининг дастуриларининг мазмун ва мохияти тугрисида фикрингиз?**



1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси. (1991 й 1 ноябр) Ўзбекистон ҲДП ўзини асосан ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимояга мухтож манфаатларини ҳимоя қилиши.

*2. Ўзбекистон “Ватан тараққиёти” партияси (ВТП) 1992 йилнинг 24 майда ташкил топди. “Ватан тараққиёти” партияси “Фидокорлар”
Миллий Демократик партияси билан бирлашди.*

3. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси (СДП) 1995 йил 18 февралда ташкил топди. Максади: демократик, ҳуқуқий давлатни, ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиши, барча миллат ва элатларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳукуқ ва эркинликлари таъминланган маънавий жисплашган жамиятни шакллантиришида фаол иштирок этиши.

4. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик паргияси (МТДП) 1995 йил 3 июнда ташкил топди. “Миллий тикланиш” демократик партиясининг асосий мақсад-вазифаси миллий анъаналарни ва қадриятларни саклашдан иборат.

Изоҳ: 2008 йил июнь ойида “Фидокорлар” Миллий Демократик партияси билан Узбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг бир партияга бирлашди.

4. 2003 йил 15 ноябрда Ўзбекистон сиёсий тизимида яна бир сиёсий партия Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (УзЛиДеп) ташкил топди. Партияни тузиш ташаббускорлари асосан мамлакатдаги ўрта қатlam - тадбиркорлар ва ишбилиармонларнинг илғор вакиллари бўлиб, партия ўрта ижтимоий қатlam сиёсий манфаатлари ва иродаларини ифода этишини ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

5. 2008 йил 2 августда Узбекистон Экологик харакати ташкил этилди. 2019 йилдан бошлаб экологик харакат экологик партияга айлантирилди. Янги партияниң асосий мақсади барқарор ривожланишга, экологик хавфсизликка эришиш, ҳозирги ва келажак авлод учун табиий ресурсларни сақлаш ва қулай атроф муҳитни яратишга йўналтирилган давлат сиёсатини рӯёбга чиқаришни таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни сақлаш давлат, жамият ва мамлакат ҳар бир фуқаросининг вазифаси бўлишига эришишга кўмаклашишга қаратилган.


Сиёсий партиялар қуидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз фаолияти туғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;**
- сайлаб қўйиладиган давлат органларидағи ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш; -қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат хокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;**
- партия фаолияти билан боғлик йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;**
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;**
- Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш.**


**“Узбекистон Республикаси Бош вазири номзоди
Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Конунчилик палатасига сайловларда энг куп
депутатлик урнини олган сиёсий партия ёки
тенг микдордаги депутатлик уринларини кулга
киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан
таклиф этилади”. Демак, сиёсий партиялар
сайловчилар (халк) иродасини ифодачиси
сифатида намоён булиб, хукуматни
шаклантиришда энг асосий сиёсий институт
сифатидаги макомга эга булди.**

| Мамлакат | Бир партияийлик | Икки партияийлик | Күп партияийли к | Партиясиз |
|------------------|--------------------|---------------------|---------------------|-----------|
| 1.Россия | | | | |
| 2.Великобритания | | | | |
| 3.АКШ | | | | |
| 4.Германия | | | | |
| 5.Франция | | | | |
| 6.Узбекистан | | | | |
| 7.Хитой | | | | |
| 8.Козогистон | | | | |
| 9. Арабистон | | | | |
| 10.Куба | | | | |
| 11.Украина | | | | |
| 12.Финландия | | | | |

2019 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят ва туман Кенгашлари депутатлигига сайловлар йили эканлигини биласизми?%



АГАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР
ЭРТАГА БЎЛАДИГАН БЎЛСА, СИЗ ҚАЙСИ ПАРТИЯ НОМЗОДИ УЧУН ЎЗ
ОВОЗИНГИЗНИ БЕРГАН БЎЛАРДИНГИЗ?%



*Мазкур соҳага қаратилган 200 дан ортиқ қонун
хўжжатлари қабул қилинган бўлиб, улар
жумласига «Жамоат бирлашмалари
тўғрисида»ги (1991 й.), «Нодавлат нотижорат
ташикилотлари тўғрисида»ги (1999 й.), «Жамоат
фондлари тўғрисида»ги (2003 й.), «Ижтимоий
шериклик тўғрисида»ги (2014 й.), «Жамоатчилик
назорати тўғрисида»ги (2018 й.) қонунларни
санаб ўтишиимиз мумкин.*

«Нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этаиладиган, даромад олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган, олинган даромадларни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир- нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий ва маданий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошка номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади».

**Хозирги вақтда юртимизда 9 минг 200
дан зиёд ННТ фаолият кўрсатмоқда.
Фуқаролик жамиятининг ушбу таянч
институтлари юртдошларимизнинг
хуқуқлари ва қонуний манфаатларини,
демократик қадриятларни ҳимоя
қилишда, ижтимоий, маданий ва
маърифий мақсадларга эришишда
муҳим роль ўйнамоқда.**

**«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тугрисида»ги
конунга биноан нодавлат нотижорат ташкилотлар
куйидаги йуналишларда фаолият юритадилар:**

**-биринчидан, кенг маънодаги маданий максадларга
эришиш йулида; маориф, илм-фан, маданият
соҳаларида;**

**-иккинчидан, мамлакат ахолисининг сихат-
саломатлигини таъминлашни кузлаб фаолият
юритиш (спорт ва жисмоний тарбия билан
шугулланувчи, турли хил хасталикларнинг олдини
олиш ва уларни даволашнинг илгор тажриба хам
усуларини таргиб этувчи ташкилотлар);**

**-учинчидан, турлича фаолият йуналишдаги хукукни
мухофазаловчи ташкилотлар (масалан,
истеъмолчилар хукукини химоялаш жамияти);**

**Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Фармонида
ННТ ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа
институтларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бу
каби кўплаб янгича ёндашувлар кўзда тутилган.
Буларнинг барчаси мамлакатимизни ҳар томонлама
ва жадал ривожлантиришда фуқаролик жамияти
институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан
юксалтириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва
бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини
кучайтириш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида
белгиланган устувор вазифаларни босқичма-босқич
амалга оширишга хизмат қиласи.**

- Туртинчидан, фукароларнинг маънавий ва бошка номоддий эҳтиёжларини кондиришга каратилган ташкилотлар (носиёсий уюшмалар, ижтимоий жамгармалар ва бошкалар);
- Бешинчидан, хайр-эхсон ишлари билан шугулланувчи ташкилотлар.

**Давлат куидаги йуналишларда нинларининг фаолиятини
назорат этиш хукукига эгадир:**

- нинларининг фаолиятлари Узбекистон Республикаси
Конституяси ва конунлари доирасида амалга ошиш лозимлиги
давлат томонидан назорат этилади (Конуннинг 34-модда);**
- нинларини руйхатга олган давлат органи мазкур ташкилотлар
фаолиятлари йуналишлари улар низоми доирасида булишини
назорат этади (21-модда);**
- нинлари анжуманлари ва тадбирларида давлат органлари
вакили иштирок этиши мумкин;**
- нинлари статистика ва солик органларига уз вактида хамда
тегишли тарзда хисобот беришларини назорат килади (33-
моддаси)**
- нинлари, уз навбатида, давлат органлари ва мансабдор
шахсларнинг ишига аралашмайди.**

«ФУҚАРОЛАР НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ
ТҮГРИСИДА: ТАСАВВУРЛАР, ФИКРЛАР, УМИДЛАР»



**Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳақида қандай тасаввурга
эгасиз ?**

| Жавоб вариантлари | % |
|---|-------------|
| Давлатга қарашли бўлмаган мустақил ташкилотлар | 31,7 |
| Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи аҳолининг ташаббускор гурухлари | 30,0 |
| Хайрия ташкилотлари | 13,0 |
| Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-куватловчи ташкилотлар | 5,7 |
| Жавоб беришга қийналиши | 19,6 |

**ННТ ва давлат ташкилотлари фарқи ҳақида фуқароларнинг тасаввурлари
?**

| Жавоб варианлари | % |
|---|-------------|
| Давлатга қарашли бўлмаган мустақил фаолият кўрсатувчи ташкилотлар | 53,9 |
| Ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ташаббускор фуқароларни бирлаштирувчи, давлатга кўмак берувчи ташкилотлар | 22,0 |
| ННТ фуқароларга кўмак ва қўллаб куватлаш учун фаолият юритади | 4,7 |
| Жавоб беришга қийналишиди | 19,4 |


Ижтимоий ҳаётнинг қайси жабҳаларида ННТларнинг фаолияти ёрқин намоён бўлади?

| Жавоб вариантлари | % |
|------------------------------------|-------------|
| Ижтимоий соҳа | 28,9 |
| Хуқуқий соҳа | 5,7 |
| Таълим ва маданият соҳалари | 12,7 |
| Маҳалла фаолияти | 3,7 |
| Ёшлар билан ишлаш | 8,2 |
| Экология | 2,5 |
| тадбиркорлик | 2,0 |
| Спорт | 2,8 |
| Жавоб беришга қийналишиди | 33,5 |


Қайси манбадан ННТлар фаолияти ҳақида маълумотга эга бўласиз?



Үзингиз яхши билган ННТларининг фаолиятини қандай баҳолайсиз?



ННТ фаолияти аҳолига фойда келтирадими?



ННТ фаолиятидан ўзингиз, жамият ва мамлакат учун нималарни кутяпсиз?

| Жавобларнинг варианлари | % |
|--|------|
| Аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш | 39,3 |
| Тадбиркорликнинг ривожланиши | 5,9 |
| Янги иш ўринларининг яратилиши | 6,3 |
| Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ўсиши | 5,4 |
| Мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиёти | 28,0 |
| Жавоб беришга қийналиши | 15,1 |


ННТ фаолиятида иштирок этишни истайсизми ?




ННТ фаолиятида иштирок этишни истайсизми?

| | Ха | Йўқ | Бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман |
|----------------------------|------|------|-------------------------------|
| 18-20 ёш | 36,1 | 33,3 | 30,6 |
| 21-30 ёш | 24,0 | 42,9 | 33,1 |
| 31-40 ёш | 19,4 | 45,2 | 35,4 |
| 41-50 ёш | 23,8 | 44,9 | 31,3 |
| 51-60 ёш | 21,0 | 48,4 | 30,6 |
| 61-70 ёш | 21,5 | 51,2 | 27,3 |
| 71 ёш ва ундан катталар | 8,3 | 58,3 | 33,4 |

Сиз мамлакат ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига қизиқасизми?%



Мамлакат ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги
жорий воқеалар ҳақида қайси ахборот майдонидан биляпсиз?
респондентлар бир неча жавоб вариантини айтишди



■ Интернет ■ Даврий матбуот ■ Ўзбекистон радиостанциялари ■ Ўзбекистон телевиденияси

**Президент Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 7
февралдаги фармони билан “2017-2021
йилларда Узбекистон Республикасининг
ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши
буйича Харакатлар стратегияси”ни
тасдикланиши ва уни хаётга татбик этилиши
натижасида фукаролик жамияти институтлари
демократик принциплар асосида ривожлана
бошлади.**



Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш йуналишида —7 та қонун, 3 та фармон, 7 та қарор ва 4 та дастур, жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш йўналишида эса 6 та қонун, битта фармон, битга қарор ва 2 та дастур ишлаб чиқиши белгиланди. “Харакатлар стратегияси”нинг биргина устувор йуналиши—давлат ва жамият курилиши бўйича 2017 йилнинг ўзида 18 та қонун лойихаси тайёрланди.

**Харакатлар стратегисияга мувофик мамлакагда
“Электрон парламент” тизимини ишлаб чикиш,
“Электрон хукумат” тизимини янада
ривожлантириш**

**Халк кабулхоналари»ни ташкил этишга
каратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, 2018-
2020 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзини
бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини
янада ошириш ва ривожлантириш дастурини ишлаб
чиқиш каби чора-тадбирларни амалга оширилиши
мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш учун шарт-
шароитлар яратади, мамлакатда фуқаролик
жамияти қуришнинг мұкаррар эканлигини
англатади.**

Хулоса: Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нотижорат ташкилотларнинг демократик тамойиллар асосидаги хуқуқий асослари шаклланди. Мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг пойдевори - конституциявий ва хуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ислоҳотлар натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар тизими янада такомиллашди.

Мамлакатда ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий анъаналардан келиб чиқиб сиёсий партияларнинг жамият институти сифатидаги хуқуқий макоми шаклланди.

Мустахкамлаш учун саволлар

- 1. Ўзбекистонда сиёсий партияларга доир қандай қонунлар қабул қилинган?**
- 2. Ўзбекистонда қандай сиёсий партиялар фаолият олиб боради? 3.Нодавлат нотижорат ташкилотлари деганда нимани тушунасиз? 4.Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қандай турлари мавжуд? 5. Ўзбекистонда ННТга доир қандай қонунлар қабул қилинган? 6.Ўзбекистонда қандай хорижий нодавлат ташкилотлар фаолият юритади?**
- 7.ННТ жамиятда қандай функцияларни бажаради?**
- 8.Ўзбекистонда ННТнинг ривожланиш суратлари қандай кечмокда?**

Адабиётлар

- 1.Узбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: “Узбекистон” 2018**
- 2..Узбекистон Республикаси Президентининг “Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Харакатлар стратегияеи тугрисида”ги Фармони// Узбекистон Республикаси конун хужжатлари туплами, 2017 й., 6-сон.**
- 3.Инсон хукуклари умумжахон Декларацияси.-Т., 1998.-Б.30. 4.Узбекистон Республикасининг «Узбекистан Республикасида жамоат бирлашмалари тугрисида»ги Конуни 4-сон. -Т.: Адолат, 1993.**
- 5.Мирзиёев Ш.М. Узбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Тошкент: “Узбекистон” НМИУ,2018.**
- 6. Мирзиёев Ш.М. Танкидий тахдил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик —хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси булиши керак. - Т.: “Узбекистан” -2017**
- 7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йулимизни катъият билан давом этгериб, янги боскичга кутарамиз. 1- жилд. - Т.: Узбекистон. 2017.**